

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

1 (4) 2024

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 1(4) - 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор.

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети Тарих факултети доценти

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳақимов Назар Ҳақимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гўлнора Абдукаҳхаровна –  
т

Гурдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;  
Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Электрон журнал **1368-сонли гувоҳнома** билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEM S TEAM” масъулияти чекланган жамияти.

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Mustafoyev Abubakr Muhiddin o'g'li</i> XIII VA XIV-ASRDA YASHAB IJOD ETGAN BUXORO FAQIHLARI VA ULARNING ASARLARI TAVSIFI (1-qism).....	9-14
<i>Mirzayev Avazbek</i> ANDIJON TAJRIBA PAXTA DALASI TARIXINING ARXIV HUJJATLARIDA YORITILISHI .....	15-21
<i>Алиджанова Лазизахон Аббасовна</i> ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ДИН ВА ТАБОБАТ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР .....	22-28
<i>Sobirov Sardorbek Abdusattor o'g'li</i> XIX-ASRNING IKKINCHI YARMIDA SHARQIY TURKISTONDA ROSSIYA VA BRITANIYA IMPERIYALARI RAQOBATI .....	29-34
<i>Джалолов Бахром Джамолович</i> СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА “ПАХТАЯККАҲОКИМЛИГИ” СИЁСАТИ ВА БОЛАЛАРГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ .....	35-39
<i>Махматкулова Нозикой Чориёевна</i> О'ЗБЕКИСТОНДА XX ASRNING IKKINCHI YARMIDA IRRIGATSIYA-MELIORATSIYA VA QISHLOQ XO'JALIGINI MEKANIZATSIYALASH SOHASIDA YURITILGAN KADRLAR SIYOSATI .....	40-45
<i>Ochilov Farhod</i> О'ЗБЕКИСТОНДА О'ZINI О'ZI BOSHQARISH ORGANLARINING АНОЛИНИ ИЖТИМОИЙ НИМОYA QILISHDAGI FAOLIYATI .....	46-52
<i>Ҳамроева Нодира Нормуродовна</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОИЙ МУОММОЛАР .....	53-58
<i>Мамажонов Алишер, Алишеров Абдувоҳид Алишерович</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ТАРИХИ .....	59-65
<i>Tursunov Ravshan Normuratovich</i> XIX-ASRNING IKKINCHI YARMI – XX-ASR BOSHIDA TURKISTON O'LKASIDA SODIR BOLGAN ZILZILALAR TARIXIGA BIR NAZAR .....	66-71

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Умурзакова Мўътабархон Нодир қизи</i> СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ ТИББИЙ СУҒУРТА АСОСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МОДЕЛИ .....	72-78
<i>Ro'zmetov Bahodir Shomurotovich</i> TURIZMDA XIZMATLAR MOHIYATI VA UNING IJTIMOIIY-IQTISODIY RIVOJLANISHNI TA'MINLASHDAGI O'RNI .....	79-90
<i>Shanazarova Nilufar Baratovna</i> MILLIY IQTISODIYOTDA TRANSPORTNING АНАМИYATI .....	91-99
<i>Рахимов Ойбек Бахтиёрович</i> АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОХИЯТИ .....	100-109

<i>Болтаев Нурали Шираматович</i> АГРАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ АСОСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	110-118
<i>Эрханов Муҳаммаджон Абсайитович</i> ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЎРНИ .....	119-124
<i>Жураева Гульзира</i> АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МЕЖДУНАРОДНОЙ ТОРГОВЛЕ И УСЛУГАХ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ .....	125-130
<i>Akbarov Husan O'zbekxonovich</i> BOG'DORCHILIKDA TEXNIK SAMARADORLIKNI TAHLIL ETISHNING PARAMETRIK VA NOPARAMETRIK USULLARI .....	131-136
<i>Yaqubova Yulduz Raimovna</i> KICHIK BIZNES SUBYEKTLARINING ISHLAB CHIQRISHINI SAMARALI AMALGA OSHIRISH KO'RSATKICHLARI .....	137-147
<i>Rahimbayev Akmal Azatboevich</i> ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИ САНОАТГА ИХТИСОСЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА АНИҚЛАШ .....	148-157
<i>Saidmurodov Feruz Sodiqjon o'g'li</i> SAMARALI SOLIQ SIYOSATI-INNOVATSION RIVOJLANISHGA O'TISHNING ASOSIY SHARTI .....	158-170
<b>09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<i>Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна</i> БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОЙЛАРИНИ ШАРҲЛАГАН АЛЛОМА .....	171-175
<i>Шарифходжаева Наргиза Абдуманноновна</i> ФИЛОСОФИЯ СВОБОДЫ, РАВЕНСТВА И СОЦИАЛЬНОЙ СПРАВЕДЛИВОСТИ МУХАММАДА АЛИ ДЖИННЫ .....	176-181
<i>Nasimov Azizbek Azimovich</i> АХВОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ МОНИЯТИ .....	182-186
<i>Norkulov Olim Nasimovich</i> GLOBALLASHUV JARAYONIDA MIGRATSIYANING AHOLI AXLOQIY QADRIYATLARIGA TA'SIRI .....	187-191
<i>Хасанов Бобуржон Хакимович</i> ОММАВИЙ НОРОЗИЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	192-197
<i>Quratboyev Alisher Maxsudovich</i> YANGI O'ZBEKISTON VA IJTIMOY DAVLATCHILIK .....	198-204
<i>Raxmonberdiyev Islombek Ilxom o'gli</i> SIVILIZATSIYALAR TARAQQIYOTIDA MADANIYATLAR TO'QNASHUVINING IJTIMOY- FALSAFIY AHAMIYATI (Samyuel F. Xantingtonning "Sivilizatsiyalar to'qnashuvi" asari asosida).....	205-214

<i>Shukurov Orif Jumaboyevich</i> JAMIYATDA YOSHLARNING IJTIMOYIY AKTIVLIGINI OSHIRISH XUSUSIYATLARI VA TAMOYILLARI .....	215-219
<b>10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	
<i>Akhmedov Oybek Saporbayevich</i> THEORETICAL OVERVIEW OF THE DEFINITION “TERM” AND “TERMINOLOGY” IN LINGUISTIC SURVEYS .....	220-227
<i>Ravshanova Gulrukhbegim Qaxramon qizi</i> ЯНГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВНАВИСЛИК АНЪАНАСИ .....	228-232
<i>Ortiqova Mavluda Nurmahammadovna</i> AQOID ILMIDA KAROMAT TUSHUNCHASI VA BADIY ADABIYOTDAGI TALQINI .....	233-237
<i>Uliqova Mavludaxon</i> “QON-QARINDOSH” KONSEPTINI FONETIK-FONOLOGIK SATHDA NAMOYON BO’LISHI .....	238-243
<i>Rahmonov Asror ibni Nusrat</i> HERMANN HESSE HAYOTI, IJODI VA ADABIYOTDAGI O’RNI .....	244-252
<i>Raxmatova Dilafruz Nusratilloevna</i> SAMARQAND JADIDCHILIK MAKTABI VAKILLARI ASARLARINING TIL XUSUSIYATI ....	253-258
<i>Djuraeva Muxlisa Shadiyarovna</i> INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDA OILAVIY NUTQDAGI IJTIMOYIY-MADANIY FARQLAR ....	259-265
<i>Vokhidova Tamanno Saidjonovna</i> MEDIALINGUISTICS AS A MODERN SCIENTIFIC DIRECTION .....	266-271
<i>Djurayeva Shahlo G’ulom qizi, Sattarova Ismigul Baxtiyorovna</i> INGLIZ ADABIYOTLARIDA KIRITMA BIRLIKLARINING BADIY SEMANTIKASI .....	272-277
<b>12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР</b>	
<i>Uzakova Go’zal Sharipovna</i> O’ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA “YASHIL QURILISH”NI AMALGA OSHIRISHNING HUQUQIY MASALALARI .....	278-286
<i>Murzaev Shuxrat Shavkatovich</i> СУЩНОСТЬ И СОДЕРЖАНИЕ КАТЕГОРИИ ПРАВОПОНИМАНИЯ .....	287-293
<i>Qosimov Botirjon Ma’rufjon o’g’li</i> SUD HOKIMIYATINING MOLIYAVIY MUSTAQILLIGI: KONSTITUTSIYAVIY TAHLIL .....	294-301
<i>Islombek Abdikhakimov</i> QUANTUM COMPUTING AND LEGAL READINESS FOR E-GOVERNMENT SERVICES .....	302-309
<i>Hodjaeva Shirinxon Olimxon kizi</i> ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СУДЕБНОЙ СИСТЕМЕ .....	310-315
<i>Jiyenbayev Bahadir Ospanovich</i> EKOLOGIK AUDITNI HUQUQIY TA’MINLASHNING AYRIM XUSUSIYATLARI: MILLIY VA XORIJIY TAJRIBA .....	316-322
<i>Aliшаев Собир Турсунбоевич</i> СУД ҲУКМИНИ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	323-329

*Адембаев Аралбай Куралбаевич*

АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ  
ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОЙДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН  
ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ ..... 330-339

### **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Матенов Рашид Бекимбетович, Анатолий Викторович Тряпельников*

ЮРИДИЧЕСКИЙ ТЕКСТ КАК ОБЪЕКТ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ-  
ЮРИСТОВ: ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ И МЕЖОТРАСЛЕВЫЕ  
ПЕРСПЕКТИВЫ ..... 340-346

*Хаййева Ирода Адамбаевна*

TALABALARGA ZAMONAVIY O'ZBEK SHE'RIYATI VA FOLKLOR MUNOSABATINI  
TUSHUNTIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING O'RNI ..... 347-351

*Ayatov Raximberdi Ibragimovich*

XORIJIIY TILDA TURIZM VA MEHMONXONA BIZNESI SOHASIGA OID SO'Z VA IBORALARNI  
O'QITISHDA TIL KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH ..... 352-357

*Saidova Dilobar Ikrambayevna*

MEHRIBONLIK UYLARI TARBIYALANUVCHILARIDA IJTIMOIIY XULQ-ATVORNI  
RIVOJLANTIRISH ZARURATI ..... 358-361

*Eshqobilov Elmurod Menglimurod o'g'li*

KOMPETENSIYAVIY YONDASHUV ASOSIDA BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHISINING  
KASBIY-PEDAGOGIK IJODKORLIKNI RIVOJLANTIRISH  
METODIKASI ..... 362-367

*Ҳамдамова Шахноза Юсупалиевна*

ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАДАШУВ АСОСИДА  
ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ЛАЁҚАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ..... 368-375

*Janonova Sitora Berdinazarovna*

ТА'ЛИМ ВА ТАРБИYA ТАРАҚҚИYOTИДА КОММУНИКАТИV КОМПЕТЕНСИYA  
TUSHUNCHASINING O'RNI ..... 376-381

*Турсунбоева Мухлиса Анвар қизи*

ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КАСБГА  
ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИК АСОСИДА ЎҚИТИШ ПЕДАГОГИК МУАММО  
СИФАТИДА ..... 382-387

*Bakhadirova Shoxina Nadir kizi*

INGLIZ TILIDA GAPIRISH KO'NIKMASINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN MASHQ VA  
TOPSHIRIQLARNI ONLINE KO'RINISHDA O'QITISH ..... 388-392

*Qurbonova O'lmasoy Usmonovna, Niyozova Shohista Nusratilloevna*

OILA BARQARORLIGINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK OMILLARI ..... 393-397

*Xudayberdiyeva Mahliyo Zayniddin qizi*

BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KOMMUNIKATIV YONDASHUV ASOSIDA KASBIY SIFATLARINI  
RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI VA INNOVATSION  
METODLARI ..... 398-403



**Рахимов Ойбек Бахтиёрович,**  
Урганч давлат университети мустақил изланувчиси,  
[oybekbfa@gmail.com](mailto:oybekbfa@gmail.com)

### **АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МОХИЯТИ**

**Аннотация.** Мақолада автотранспорт воситаларини суғурта қилишнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти очиб берилган. Шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизимида автотранспорт суғуртаси қўлланилиши ва истиқболлари атрофлича ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Суғурта, молия, ижтимоий-иқтисодиёт, иқтисодиётни ривожланиш, тўлов, йўл транспорт ходисаси, ижтимоий химоя.

---

**Rakhimov Oybek Bakhtiyorovich,**  
An independent researcher at Urganch State University,

### **SOCIO-ECONOMIC ESSENCE OF MOTOR VEHICLE INSURANCE**

**Abstract.** The socio-economic nature of motor vehicle insurance is disclosed in the article. Also, the application and prospects of auto transport insurance in the socio-economic system of the country are covered in detail.

**Key words:** Insurance, finance, socio-economics, economic development, payment, road transport phenomenon, social protection.

---

**Рахимов Ойбек Бахтиёрович,**  
Независимого исследователя Ургенчского государственного университета,

### **СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ АВТОСТРАХОВАНИЯ**

**Аннотация.** В статье раскрыта социально-экономическая природа автострахования. Также подробно освещены применение и перспективы автотранспортного страхования в социально-экономической системе страны

**Ключевые слова:** Страхование, финансы, социально-экономика, экономическое развитие, оплата, феномен автомобильного транспорта, социальная защита

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I1Y2024N14>

**Кириш.** Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар натижасида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида янги муносабатлар вужудга келди. Шу жумладан суғурта соҳасида олиб борилган ислохотлар натижасида янги миллий тизим таркиб топди ва шакллантирилди. Ушбу тизимнинг таркибий қисмларидан бири сифатида бозор муносабатлари тамойилларини ўзида акс эттирувчи суғурта хизматига оид қонунчилик

тизими яратилди. Унда суғурта хизмати нафақат давлат томонидан амалга ошириладиган фаолият сифатида, балки барча шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган эркин тадбиркорлик фаолияти шакли сифатида белгиланди. Суғурта фаолиятини юритишга доир бу эркинлик ўнлаб нодавлат суғурта хизмати кўрсатиш компанияларининг ташкил топиши ва фаолият юритишига имкон яратиш билан бир пайтда суғурта хизматида бўлган талаб ва эҳтиёжни ҳам кескин ортишига, мамлакатимизда суғурта хизмати бозорини тез шакллана бошлаши ва ривожланиши учун шарт-шароит яратди.

Суғурта ҳодисалари натижасида инсон ҳаётида фавқулодда ҳодисалар юз бериши мумкин. Инсон қутилмаган автоҳалокатнинг қурбони бўлиши, тўсатдан жиддий тарзда соғлиғини йўқотиши, тадбиркорлар эса бозор иқтисодиёти шароитидаги кескин молиявий ўзгаришлар натижасида катта миқдордаги маблағларни йўқотишлари мумкин. Ҳар бир инсон ана шундай бахтсиз ҳодисаларни бартараф этишга ҳамма вақт ҳам тайёр бўлавермайди. Айниқса инсоннинг молиявий жиҳати ҳар доим бундай йўқотишларнинг оқибатини бартараф этишга қодир бўлмайди. Ана шундай ҳолларда бундай инқирозлардан чиқиб кетишда суғурта фаолияти асосий роль ўйнайди.

Маълумки, савдо муносабатларини ҳудудий ўзаро яқин жойлашган мамлакатлар ўртасида такомиллаштириш мақсадида юкларни етказиб беришда, автомобиль транспортидан фойдаланиш жаҳон мамлакатлари иқтисодий муносабатларида катта аҳамият касб этади. Мамлакатимизда Буюк Ипак йўлининг қайта тикланиши ўз навбатида Ўзбекистоннинг бошқа хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўз навбатида халқаро савдо муносабатлари ривожидан автотранспорт воситаларининг ўрни беқиёс. Бу эса бугунги кунда автотранспорт воситаларини суғурта қилиш тизимини халқаро талаблар даражасига олиб чиқишни тақозо этади. Суғурта соҳаси иқтисодиётимизда бўлаётган барча жараёнлар ва ўзгаришларни ўзида акс эттиради

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бозор иқтисодиёти шароитида автотранспорт воситаларига ва (ёки) автотранспорт воситаларидан етказилган зарарнинг суғурта шартномалари доирасида қопланиш жараёни, яъни суғурта даъволарини кўриб чиқиш жараёни давлат ва жамият ҳаётининг ажралмас қисми бўлганлиги сабабли долзарб аҳамият касб этади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Ўзбекистон Республикасида суғурта муносабатлари босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда. Республикамиз ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида автотранспорт суғуртасида даъво ишларини кўриб чиқишга қаратилган бир қатор илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда ҳамда ушбу олиб борилган изланиш натижалари амалиётга кенг жалб қилиниб келинмоқда.

Мазкур масалаларга доир илмий ишларнинг қисман мавжудлигига қарамай, автотранспорт суғуртасида даъво ишларини кўриб чиқиш тушунчаси, автотранспорт суғуртасида даъво ишларини амалга ошириш тартиби, автотранспорт суғуртаси бўйича мажбуриятлар, автотранспорт суғуртасида даъво ишларини кўриб чиқишни амалга ошириш шартлари ва тартиби каби масалаларнинг ўзига хос жиҳатларини илмий ўрганиш, таҳлил қилиш ва муайян фикр-мулоҳазалар бериш эътибордан биров четда қолмоқда.

Автотранспорт суғуртасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти масаласи умумий суғурта масалалари қаторида бир қатор олимларимиз томонидан у ёки бу даражада ўрганилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Ашрафханов Б.Б., Мирсадыков М.А., Абдурахманов И.Х., Сабилов Х.Р., Джакупов М.Р., Шеннаев Х.М. ва бошқалар [1,2,3,4,5] томонидан ушбу масаланинг айрим қирралари у ёки бу томонидан очиб берилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Федорова Т.А., Сплетухов Ю.А., Дюжиков Е.Ф., Гвозденко А.А., Турбина К.Е., Скамай Л.Г., Мазурина Т.Ю., Грищенко Н.Б. ва бошқалар [6,7,8,9,10,11,12] томонидан эса ушбу масала қисман тадқиқ этилган. Бундан кўриниб турибдики, тадқиқот мавзусининг ўрганилиши, унинг назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур мақолада илмий-назарий асос сифатида суғуртага оид иқтисодий адабиётлар ҳамда илмий мақолалар, хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш бўйича илмий асарлари ўрганилган. Мавзунинг ўрганиш давомида адабиётлар қиёсий таҳлили, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш ва қиёсий таққослаш усулларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Иқтисодий модернизациялаш шароитида транспорт воситаларига бўлган талаб тобора ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу эса суғурта ташкилотлари томонидан йўл-транспорт воситаларининг суғурталашни оқилона ташкил этилишини тақозо этади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг йўл-транспорт воситаларининг суғурталаш мамлакатимизда иқтисодий тармоқларининг барқарор ривожланишида ва уларни молиявий фаолиятида кўрилиши эҳтимол бўлган зарардан ҳимоялашда суғурта тизими катта аҳамиятга эга бўлган соҳа саналади.

Автотранспорт суғуртасининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятининг умумий таснифи ва асослари қуйидаги терминлар асосида кўриб чиқишимиз мумкин:

Транспорт воситаси яъни йўлларда одамларни, бағажни, юкларни ёки ўзига ўрнатилган асбоб-ускуналарни ташиш учун мўлжалланган қурилма.

Суғурта полиси бу суғурталовчининг суғурта қопламасини тўлаш бўйича мажбурияти кучга кирганлигини тасдиқловчи, суғурта мукофоти тўлангандан кейин бериладиган ҳужжат. Суғурта полиси эса фақат суғурта тўлови амалга оширилган суғурта муддати учун берилди. Суғурта пули эса суғурталовчининг суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи олдидаги мажбуриятлари ҳажмининг чегарасини англатувчи, суғурта полисида кўрсатилган пул маблағлари миқдоридир.

Транспорт воситасидан фойдаланиш яъни транспорт воситасидан унинг йўлларда, шунингдек уларга туташ, транспорт воситалари ҳаракати учун мўлжалланган ҳудудларда ҳаракатланишдан иборат бўлган фойдаланиш. Транспорт воситасига ўрнатилган ва транспорт воситасининг ҳаракатланишда иштирок этиши билан узвий боғлиқ бўлмаган ускуналардан фойдаланиш транспорт воситасидан фойдаланиш ҳисобланмайди.

Суғурта ҳодисаси бу суғурта шартномасида кўрсатилган, суғурта муддати мобайнида содир бўлган ва содир бўлиши билан суғурталовчининг суғурта қопламаси тўлаш мажбуриятининг юзага келтирилиши мумкин бўлган воқеа. Суғурта қопламаси суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи кўрган

зарарларни қоплаш учун суғурта пулидан ошмаган миқдорда тўланадиган пул маблағлари миқдори ҳисобланади.

Франшиза тузилган суғурта шартномасига мувофиқ суғурталовчи қоплайдиган ёки қопламайдиган суғурта қилдирувчининг зарарларининг маълум қисми. Франшиза суғурта пулининг маълум фоизда ёки аниқ белгиланган миқдорда бўлиши мумкин.

Суғурталанган транспорт воситаси суғурта полисида кўрсатилган, ишлаб чиқарувчи завод ўрнатган жиҳозларни ўз ичига олган транспорт воситасидир. Ҳайдовчи эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталанган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга шахс ҳисобланади.

Қўшимча ускуналарга тўхталиб ўтадиган бўлсак автомобиль ишлаб чиқарадиган завод томонидан ўрнатган жиҳозлардан фарқ қилувчи, транспорт воситасига доимий ўрнатилган механизмлар, жиҳозлар, мосламалар, қурилмалар ва бошқа ускуналар киради. Ушбу қурилмалар бевосита автотранспорт бошқарувига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Суғурта муддати бу суғурталовчининг мажбуриятлари амалда бўладиган давр. Суғурталовчи фақат суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддатида содир бўлган суғурта ҳодисалари учун мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Географик ҳудуд суғурта полиси ва суғурталовчининг мажбуриятлари амалда бўладиган ҳудуд. Агар ўзгача шартлар алоҳида келишилмаган бўлса, тузилган суғурта шартномаси бўйича географик ҳудуд бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳисобланади. Товар кўринишини йўқотиши бу суғурта ҳодисаси ҳамда об-ҳаво ёки доимий таъсир қилувчи омиллар натижасида кўрилган зарарларни бартараф этиш мақсадида таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга ошириш оқибатида транспорт воситасининг ҳақиқий қийматининг камайишини англатади.

Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома суғурта ҳодисасини тан олинганлигини тасдиқловчи ва суғурта қопламаси миқдорини белгиловчи, суғурталовчи томонидан тузиладиган ҳужжат ҳисобланади. Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома манфаатдор томонлар тарафидан имзоланади. Суғурта қиймати суғурталанган транспорт воситасининг суғурта шартномаси тузилган пайтдаги ҳақиқий ва томонлар келишган қийматидан келиб чиқиб белгиланади.

Йўл ҳаракати қоидаларининг қўпол бузилиши ҳайдовчи ёки унинг вакили томонидан қўйидаги йўл-транспорт ҳодисасини содир этилиши: темир йўлни кесиб ўтиш қоидасини бузилиши, светофорнинг тақиқловчи чироғида ўтилиши, қарама-қарши ҳаракатланиш йўлига чиқилиши, қувиб ўтиш қоидаларини бузилиши, тезликни рухсат этилганидан кўра оширилишидир.

Шу ўринда суғурта қалтисликларига ҳам тўхталиб ўтишимиз лозим. Суғурта қалтисликларидан йўл-транспорт ҳодисасида суғурталанган транспорт воситаси билан йўл ҳаракати иштирокчиси сифатида ёки у ҳаракатлангани ёхуд ҳаракатланмаганидан қатъий назар юз берган воқеа натижасида унга зарар етказилиши тушунилади. Ёнғин эса очик олов кўринишидаги, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш ва ўт чиққан манбадан ташқарига тарқалувчи хусусиятга эга оловдир. Суғурталанган транспорт воситаси электр ускуналаридаги қисқа туташув ёки двигатели ичида ўт олишидан юзага келадиган иссиқлик таъсирида ишлаб чиқарилган олов тарқалиб кетмаса, ёнғин бўлиб

ҳисобланмайди. Суғурта қалтисликларидан портлашда газлар ва буғларнинг кенгайишига асосланган босимнинг бузғунчи кучининг намоён бўлиши ҳисобланади.

Суғурта қопламасини тўлаш масаласи суғурталанган транспорт воситаси ёнғин натижасида нобуд бўлиши ёки зарарланиши каби ҳал этилади. Буюмлар зарбасида суғурталанган транспорт воситасига ҳар қандай буюм зарбаси ёки тушиши натижасида транспорт воситаси зарарланади ёки нобуд бўлади (жумладан олд ва орқа ойналар ҳамда эшик ойналарининг зарарланиши). Табиий офатларда транспорт воситасига моддий зарар етказиши мумкин бўлган талафотли табиий ҳодисалар ва жараёнлар (сув тошқини, бўрон, довул, сел, жала, дўл, қалин қор ёғиши, яшин уриши, кўчки, қор кўчиши, қулаш, ер чўкиши, ер ости сувларининг таъсири, зилзила) таъсир қилади. Автотранспорт суғуртасида ўғирлик тўрт хилда бўлади: биринчи, олиб қочишдир. Бунда ўғирлаш мақсадсиз суғурталаган транспорт воситасини ноқонуний эгаллаб олиниши, иккинчиси, ўғирлик, унда транспорт воситаси ёки унинг ускуналари, қисмлари ёки унинг мажмуига кирувчи эҳтиёт қисмларини беркитувчи қулфлари ва элементларини бузиш йўли билан хуфиёна ўғирланиши, учинчиси, талончиликдир, бу ҳолат транспорт воситаси ёки унинг ускуналари, қисмлари ёки унинг мажмуига кирувчи эҳтиёт қисмларини ёпувчи қулфларини ва элементларини бузиш йўли билан очиқ ўғирлик қилинишидир, тўртинчи, босқинчилик ҳолати, унда транспорт воситаси ёки унинг ускуналари, қисмлари ёки унинг мажмуига кирувчи эҳтиёт қисмларини ҳаёт ва соғлиққа нисбатан зўрлик билан ёки зўрлик таҳликаси билан эгаллаб олиш мақсадида ҳужум қилиниши тушинилади.

Суғурталовчи суғурта шартномасида кўрсатилган суғурталанган транспорт воситасига бевосита қуйидаги қалтисликлардан суғурта ҳимоясини тақдим этади:

Транспорт воситасининг қуйидагилар натижасида нобуд бўлиши ёки зарарланиши:

- йўл-транспорт ҳодисаси, ёнғин, портлаш, табиий офат, буюмлар зарбаси, ўғирлик.

Автотранспорт суғуртасида ишлаб чиқарувчи завод томонидан транспорт воситаси мажмуига киритилмаган ёки унинг қўшимча ускунаси сифатида суғурталанмаган мустақил ишловчи мосламаси, қисми, тизими, боғловчи қисми, жиҳозининг олиб қочишга қарши турли тизимлар, автомагнитола, товуш кучайтирувчи қурилмалар, карнайлар, спорт дисклари, антенналар ва ҳоказолар зарарланиши, нобуд бўлиши, ўғирланишидан келиб чиққан зиён қопланмайди.

Суғурталовчи қуйидагиларнинг бевосита ёки билвосита натижасида, таъсирида ёки улар билан боғлиқ равишда юзага келган тафсилот, йўқотиш, зарар бўйича мажбуриятларга эга бўлмайди:

- ядровий портлаш, радиация ёки радиоактив заҳарланиш таъсири;
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 954-моддасига мувофиқ ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар[13].

Суғурталовчи суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисасини келтириб чиқарган билвосита ва бошқа харажатлари жарима, ижарадаги транспорт воситасидан фойдаланганлик учун ижара ҳақи, бензин қиймати, ҳайдовчини ёллаш харажатлари, тикловчи таъмир пайтида меҳмонхонада яшаш харажатлари, хизмат сафари харажатлари, даромаднинг йўқотилиши, фаолияти тўхтаб қолишидан кўрилган

зарарлар, кафолат муддати ўтганлиги муносабати билан боғлиқ моддий зарар, маънавий зарар бўйича мажбуриятларга эга эмас.

Агар суғурта қилдирувчи ҳайдовчи ёки наф олувчи тўхтаган пайтда транспорт воситаси салонини тарк этганда транспорт воситасининг эшиги ёки ойналарини очиқ ҳолда қолдириб кетса ёки транспорт воситасида ёки учинчи шахслар олиши мумкин бўлган жойда транспорт воситаси калитини қолдирса, калитни йўқотса ва бу ҳақда йўқолган кундан бошлаб уч иш куни ичида суғурталовчига ёзма хабар қилмаса ёки йўловчиларни ташиш бўйича тижорат билан тегишли лицензиясиз шуғулланса суғурталовчи суғурта қопламасини тўлашни тўлиқ ёки қисман рад этишга ҳақли.

Шу билан бирга агар суғурта қопламаси олиш тўғрисидаги талаб алдаш мақсадида қўйилса ёки талабни амалга ошириш учун ёлғон маълумотлар хабар қилинса ёки улардан фойдаланилса ёки суғурталовчини содир бўлган воқеа тўғрисида хабардор қилиш муддатлари бузилса ёки суғурталанган транспорт воситаси суғурталовчининг розилигисиз ижарага берилса, суғурта шартномаси доирасида талаб ҳуқуқи қондирилмайди. Агар суғурта шартномасининг амал қилиши суғурта ҳодисаси содир бўлишига қадар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 948-950-моддаларида кўрсатилган асосларга кўра тўхтатилган бўлса ёки суғурта шартномаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ёки бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмас деб топилса ёки суғурта қилдирувчи зарарнинг сабаби ва миқдорини аниқлаш учун зарур ҳужжатларни мурожаат этгандан сўнг белгиланган муддат ичида тақдим этмаса, суғурталовчи суғурта қилдирувчига ёки наф олувчига суғурта қопламасини тўлашни рад этишган ҳақлидир.

Агар шартномада ўзгача шартлар келишилмаган бўлса, суғурталовчи суғурталанган автотранспортни давлат органлари топшириғига кўра олиб қўйилиши, реквизиция, ҳибсга олиниши ёки йўқотилиши натижасида юзага келган зиён учун суғурта қопламаси тўлашдан озод бўлмайди.

Суғурта мукофоти суғурта шартномасига мувофиқ тўлиқ ҳажмда ёки қисман тўланганда суғурталовчининг жавобгарлиги унинг тўланган қисмига мутаносиб равишда ўрнатилади. Агар суғурта шартномасида суғурта пули суғурта қийматидан кам миқдорда белгиланган бўлса, суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурталовчи суғурта қилдирувчига ёки наф олувчига етказилган зарарларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936-моддасига мувофиқ қоплаб беради.

Автотранспорт суғуртасида суғурталовчининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат: биринчидан суғурта қилдирувчини суғурта шартлари билан таништириши; иккинчидан агар шартномада ўзгача шартлар келишилмаган бўлса, суғурта шартномасида келишилган суғурта мукофоти ёки унинг қисми тўлангандан кейин суғурта қилдирувчи ёки наф олувчига суғурта полисини топшириши; учинчидан суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчига суғурта қопламаси тўловини мазкур суғурта шартномасида келишилган тартиб ва муддатларда амалга ошириши; тўртинчидан суғурта қилдирувчини суғурта қопламаси тўлаш рад этилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган муддатда рад этиш сабаблари асосланган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилиши; бешинчидан суғурта қилдирувчи ёки наф олувчидан суғурта шартномаси ёки полиси амал қилиши даврида

олинган маълумотнинг махфийлигини сақлаши, суғурталовчи маълумотни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органларига тақдим этиши шарт бўлган ҳолатлар ёки суғурта қилдирувчининг маълумотни ошкор қилишга ёзма розилиги бўлган ҳолатлар бундан мустасно; олтинчидан суғурта қилдирувчи, наф олувчи билан бўлган муносабатларда махфийликни таъминлашидир.

Автотранспорт суғуртасида суғурталовчининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат бўлади.

а) суғурта қилдирувчи хабар қилган тафсилотлар бартараф бўлган бўлса, суғурталовчи суғурта шартномасини бекор қилинишини талаб қилиши мумкин эмас:

суғурта қилдирувчи наф олувчидан суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиши;

суғурта қилдирувчи ёлғон маълумотларни хабар қилганда суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб тан олинишини ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган қоидаларни қўлланилишини талаб қилиши мумкин.

б) суғурта ҳодисаси содир бўлиши эҳтимолини камайтиришга йўналтирилган олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириши;

в) суғурта ҳодисаси содир бўлиши қалтислиги даражасини тавсифловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши. Суғурта шартномаси ёки полиси амалда бўлган даврда қалтислик даражаси ўзгарса, суғурта мукофоти миқдори вазиятдан келиб чиқиб, оширилиши ёки камайтирилиши мумкин;

г) суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи тақдим этган ҳужжатлар ва маълумотларни ҳақиқийлигини, шунингдек суғурта қилдирувчи томонидан мазкур суғурта шартномаси шартлари бажарилишини текшириши;

д) суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи суғурта шартномасига мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаса ёки тегишли равишда бажармаса суғурта қопламаси тўловини рад этиши;

е) суғурта қопламаси тўловини рад этиши, агар суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи:

- суғурта ҳодисаси ҳисобланиши мумкин бўлган содир бўлган воқеа ҳақида суғурталовчини ўз вақтида хабардор қилмаса;

- ҳодиса содир бўлганлиги, тавсифи ва сабабларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этмаса;

- суғурта шартномасидан фойдаланиш учун алдовчи воситалар ва услублардан фойдаланса;

- зарар етказган шахсга нисбатан даъвосидан ёки унга талаблар қўйишни таъминлайдиган ҳуқуқлардан воз кечса, шунингдек регресс талабини амалга ошириш учун зарур ҳужжатларни суғурталовчига беришдан бош тортса;

ё) суғурта қилдирувчи ёки наф олувчидан ҳодиса ҳақида хабарни кутмасдан, ҳодиса натижасида етказилган зарарларни кўриқдан ўтказишга ва баҳолашга киришиши;

ж) суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ва сабабларини тасдиқловчи тўлиқ ахборот ва зарур ҳужжатларни олгунгача ҳамда воқеа содир бўлганлиги муносабати билан жиноий иш қўзғатилган бўлса, мутасадди идоралар тегишли қарорни қабул

қилгунга қадар суғурта қопламаси тўлаш ҳақидаги қарор қабул қилишни кейинроққа қолдириши мумкин.

Йўл-транспорт ҳодисаси, портлаш, ёнғин, буюмлар зарбаси, учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари, табиий офатлар натижасида транспорт воситаси нобуд бўлса ёки зарарланса:

а) суғурталовчига хабарни етказиши;

б) дарҳол содир бўлган воқеа ҳақида йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасини хабардор қилиши ва воқеа жойида йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида баён ёки маъмурий далолатномани тўлдириши;

в) суғурталовчи кўриқдан ўтказиш учун зарарланган транспорт воситасини кўрсатиши, транспорт воситасининг барча зарарланган қисмларини фото ёки видео тасвирга олиши ва суғурталовчи билан ўзининг кейинги ҳаракатларини таъмирлаш ишлари бошлангунга қадар келишиб олиши;

г) суғурталовчига транспорт воситасига етказилган зарарни баҳолаш хулосасини ва таъмирлаш учун ҳисоб-китобни барча ишлар тугагандан кейин, эҳтиёт қисмлар ва материалларни кўрсатган ҳолда тақдим этиши;

д) суғурталовчига тергов органлари тасдиқлаган воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилиши, тўхтатилиши ёки ишни судга оширилиши ҳақидаги қарорлар нусхаларини тақдим этиши;

е) таъмирлаш амалга ошириляётганда ва автомобиль қисмларга ажратилганда яширин нуқсонлар аниқланган тақдирда бу нуқсонлар бартараф этилишидан аввал суғурталовчини хабардор қилиши лозим. Бундай ҳолатда зарарланган қисмлар фотосуратга олиниб, қўшимча далолатнома тузилади.

Агар суғурта шартномаси билан ўзгача шартлар келишилмаган бўлса ёки суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари суғурта шартномаси манфаатини кўзлаб тузилган бошқа шахс томонидан бажарилмаса, суғурта шартномасини наф олувчи манфаатида тузиш суғурта қилдирувчини суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

Автотранспорт суғуртасида суғурта қилдирувчи ҳуқуқлари:

а) суғурта муддати мобайнида суғурта масалалари юзасидан суғурталовчининг маслаҳатларини олиши;

б) суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурталовчидан суғурта қопламасини олиши;

в) суғурта ҳодисаси содир бўлганда мустақил экспертиза тайинлашини талаб қилиши;

г) транспорт воситасига ўрнатилган қўшимча жихозларни қўшимча суғурталаши;

д) суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасига ўзгаришлар ёки қўшимчалар киритиши;

е) суғурталовчини хабардор қилиш шarti билан суғурта шартномасини бекор қилиши;

ж) суғурта полиси йўқолганда унинг дубликатини олиши.

Суғурта шартномасига мувофиқ суғурталовчига талаб қўйилишига асос бўлиши мумкин бўлган воқеа содир бўлганда суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи қуйидагиларни амалга ошириши шарт: Суғурталовчини бу ҳақда имкони бўлиши билан



дарҳол, лекин 72 соатдан кечиктирмай хабардор қилиши ва воқеа содир бўлгандан кейин 3 (уч) иш куни ичида суғурталовчига воқеа жойи, сабаби ва тафсилотлари кўрсатилган аризани юбориши, дарҳол мутасадди органларга содир бўлган воқеа ҳақида хабар қилиши лозим.

Суғуртанинг бошқа соҳаларидан фарқли ўлароқ, ўзига хос жиҳатларидан бири суғурталанувчи томонидан тўланган суғурта мукофотларининг қайтишидир. Суғурта ҳодисалари содир бўлганда суғурталовчи ва мижоз ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш масалаларини назарий ҳамда амалий ҳолатини тадқиқ ва таҳлил этиш натижасида қуйидагиларга тўхталиб ўтиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси суғурта хизматлари бозорида кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш турли мулкчилик шаклидаги суғурта ташкилотларининг вужудга келиш билан бир қаторда янги суғурта хизматларини йўлга қўйилишига қулай шарт-шароит яратди ва натижада;

- суғурта хизматларини жорий қилиш орқали давлат ўзининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартараф этади. Жумладан суғурта соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда мажбурий суғурта турларини жорий этиш орқали давлат қуйидаги натижаларга эришиши мумкин:

- давлат ўзининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоя билан боғлиқ вазифаларини босқичма-босқич иқтисодиётнинг бизнес соҳасига бериб боради;

- давлатнинг иқтисодиётдаги иштироқи изчил камайиб боради;

- бюджетнинг ижтимоий харажатлар қисмига тушадиган оғирлик енгиллашиб боради;

- суғурта ташкилотлари маблағларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя билан боғлиқ масалаларга йўналтириш ортади.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш натижасида бўшаган пул маблағлари давлат соғлиқни сақлаш, инфратузилмани ривожлантириш ва бошқа муҳим соҳаларга йўллаш имконияти ҳосил бўлади.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, автотранспорт воситаларини суғурта қилишнинг иқтисодий-ижтимоий моҳиятини кўриб чиқадиган бўлсак, аҳоли турмуш даражасининг доимо ошиб бориши, транспорт воситаларининг янада такомиллашиши жаҳонда автомобиллар сонининг мунтазам ўсишига олиб келяпти. Транспорт воситалари сонининг кўпайиши табиий ҳолда йўл-транспорт билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ҳам кўпайишига олиб келади. Мана шу вазифаларни бажаришда суғурта хизмати етказилган зарарларни тез ва мақбул усулда қоплаши ҳамда жабрланувчилар учун салбий бўлган оқибатларни бартараф этишда ҳар доим кафолатланган пул фондини таклиф эта олиши билан етказилган зарарни қоплашнинг бошқа усулларида ажралиб туради.

### Литература/Адабиётлар/References:

1. Мирсадыков М.А., Страховые риски: Словарь-справочник. Ассоциация профессиональных участников страхового рынка Узбекистана. – Т., 2010. – С. 108.
2. Мирсадыков М.А., Мирсадыков М.М. Страховые имущества: практическое пособие. – Т., 2014. –С. 251.
3. Мирсадыков М.А., Ашрафханов Б.Б. Современное состояние и тенденции развития страхового рынка Узбекистана. Страховое дело. – Т., 2001. №11. – С. 201.

4. Шеннаев Х.М., Баймуратов Т.М. Суғурта иши. – Т.: “Turon-Iqbol”, 2006. – 276б.
5. Собиров Ҳ. Суғурта: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меҳнат, 1998. – 160 б.
6. Скамай Л.Г., Мазурина Т.Ю. Страхование дело: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2004. – С. 248
7. Джакупов М. Страховой рынок Узбекистана: механизм регулирования. Рынок, деньги и кредит, – Т., 2003. – №5. – С. 38-40.
8. Федорова Т.А. Основы страховой деятельности. Учебник. – М.: "РСК", 2001. – С. 124.
9. Сплетугов Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2002. – С. 216.
10. Гвозденко А.А. Основы страхования: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2003. – С. 311.
11. Турбина К.Е. Теория и практика страхования. – М.: изд. Анкил, 2003. – С. 178.
12. Грищенко Н.Б. Основы страховой деятельности: Учеб. пособие. – М.: Финансы и статистика, 2004. – С. 316.
13. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 2012. – 301-б.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 1 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).